



Кун нафаси



Тошкент шаҳрида 2022 йил 17 марта куни Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртгинанни ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Хукуматнинг «Узбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хайъат аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Брюсселда «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрои директори Элдор Туляков бошчилигидаги Узбекистон делегацияси ва USAID-нинг Узбекистондаги ваколатхонаси аъзолари Center for European Policy Studies (CEPS) раҳбарити билан учрашув утказди.

Узбекистон элчиси Баҳром Бобоев Польша Президенти Девони давлат вазiri – Халқаро сиёсат бюросининг раҳбари Якуб Кумоҳ билан учрашди.



Узбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташкилотларни савдо вазирлигига тадбиркорларни кўплаб-куватлаш бўйича штаб ўз ишини бошлади.

«Тараққиёт стратегияси» маркази, Узбекистон Республикаси Президенти хууридаги Стратегик ва минтақаларaro тадқиқотлар институти, Узбекистоннинг Германиянинг Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалари хамкорлигига Узбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганинг 30 йиллигига бағишланган ҳалқаро конференция ташкил этилди.

Бухоро вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи Анвар Ҳамроев бошчилигидаги делегация Россия Федерацийасининг бир қатор худудларида бўлди.

Тошкент шаҳрида Амти университетида Узбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривоҷлантириш вазирилиги кўмагида хотин-қизлар учун Web fullstack бўйича бепул ўқув курси ташкил этилди.



17 марта куни Узбекистон Миллий паралимпия кўмитасида Таиланднинг Паттайя шаҳрида пара каноэ бўйича бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига ўйлалаётган спортчиларни кузатиш маросими ташкил этилди.

Марказий банк асосий ставкани 3 фойз бандга ошириб, йиллик 17 фойз даражасида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...



Ishonch

Юрт тараққиётни йўлида бирлашайлик!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси нашри • Газета 1991 йил 21 мартадан
чиقا бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

БУГУН ҚАРСАКЛАР ЗАМОНИ ЭМАС!

Гарчи биз, ривожланган, ахборот технологиялари тараққий этган глобал даврда яшаемиз, деядаъво қиласак-да, дунё ОАВлари, турли ҳалқаро сиёсий саҳналардан тинимиз инсон қиммати ва меҳру муҳаббат, маданият ва умуминсоний қадриятлар ҳақида оғизлардан бол томиб гапирилаётган бўлса-да, жаҳоннинг бугунги манзараси, аслида, ҳавас қиласларлик эмас.

Глобал дунёнинг айни кундаги қисмати доно ҳалқимизнинг пурмаъно бир ҳикмати мазмун-моҳиятига жуда маънодош: ўзинг учун ўл етим!

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида (Иккинчи жаҳон урушидан кейин) пайдо бўлган романтизм, юракларни ўртөвчи гуманизм бугун турли сиёсий-иқтисодий ва табиий оғатлар силосида остида эзилиб, ўз моҳиятини тобора йўқотиб бормоқда. Бу саҳнада яшаш, ўзликни сақлаб қолиш ва ниҳоят, турли неколониал (янги мустамлакачилик) тўрларга илиниб қолмай, мустақил ва бақувват давлат барпо қилиш ва уни тараққий этитириш осон иш эмас. Ва шу билан бирга, шундай улуғ ғояни маҳкам ушлаб, жасорат билан олга интилаётган, атрофдаги жамияти азоб-уқубатларни елкасига олиб, талатўни ёриб ўтадиган давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам шунчаки оддий бир инсондан кўра кўпроқ тарихий зарурат туфайли саҳнага олиб чиқсан буюк бир тақдирга ўхшайди...

2-3



Боксчиларимиз мутлақ
ФОЛИБ!

2-14 марта кунлари Иорданияда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда Узбекистон ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Эътиборлиси, мусобақада 49 нафар боксчимизнинг 46 нафари юртимизга медаль билан қайтишга муваффақ бўлди.

Мусобақада қитъамизнинг 21 мамлакатидан жами 352 нафар спортчи ғолиблик учун баҳсларга кириди. Юртимиз шарафини ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда 25 нафар, ёшлар ўртасида эса 24 нафар спортчи муносаби химоя қилиб, байроғимиз баланд кўтарилишига сабабчи бўлиши.

Сориндорлар орасида Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси тасарруфида спорт мактаби боксчичи Фарруҳ Тўлаганов ҳам бор. 16 ёшли истеъододли спортчи кумуш медаль соҳиби бўлди. Биз келгусида Фарруҳнинг ғалабалари бардавом бўлиши ва «кумуш»лари «олтинг»га айланисига тилақдошмиз.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИ МАДҲ ЭТАМИЗ!



Пойтахтимизда Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Республика Маянавият ва матрифат маркази, Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси ҳамкорлигига ёшларни ҳарбий-вантанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Узбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимидағи маъна-


вий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишига қаратилган «Янги Узбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танлови бўлиб ўтмоқда. Куни кечга «Янги Узбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танлови иштирокчилари Узбекистон касаба уюшмалари Федерациисида энгаяжонли ва масъулиятили вазифани бажаришиди.

Улар она Ватанга бўлган муҳаб-

батини, қалбларининг тубидаги юрга бўлган садоқат туйгуларини қоғозга муҳрладилар.

Бугун эса танлов ғолибларини тақдирлашга бағишиланган тантанали тадбир ўтказилиши режалаштирилган.

«Ishonch»нинг навбатдаги сонида танлов жараёнлари, ёшларнинг таассуротлари ғолиблар ҳақида баттафсил ҳикоя қиласми.



Навоий вилояти

Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерациисининг Навоий вилояти кенгаш тизимнинг барча бошланғич ташкилотлари вақиллари учун ҳужжатларни тартиблаш, жамоа шартномалари юритилишини назорат қилиш, ходимларга ҳавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, низом табларни асосида фаолият юритиш борасида амалий ўқув семинар ташкил этиди.

Фаолият

Шунингдек, март ойининг дастлабки ўн кунлигига кенгаш масъулийдан иборат таркиб туманларга, шаҳар ва маҳаллаларга, меҳнат жамоаларига чиқиб, бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсадти.

Жумладан, умумий ҳамда қўймита йигилишларини ўтказиш, протокол ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш, ходимларга касаба ўюшмаси томонидан кўрсатилган ёрдамларни қайд этиб бориш, байрамларда, дам олиш кунларида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, иштирокчиларни рағбатлантириш ва кўйлаб-куватлаш масаласида тарбибот ва тушириш ишлари ўтказилди.

Ушбу тадбирлар давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ишчи-ходимларга дам олиш, соғлини тикиш учун санаторийларга йўлланмалар архатиш, бошланғич касаба ўюшмаси паспортларни янгилаш каби масалаларда фикр-мулоҳазалар ўтказилди.

Энг муҳими, иш берувчиликнинг расмий вакиллари билан ҳамкорликда касаба ўюшмаси раисларига алоҳида хона ва жихозлар ажратишга келишиб олиниди.

Хуршид ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон касаба ўюшмалари
Федерацияси Навоий вилояти
кенгаши Ташкилий ишлар
бўлими мудири

ХУЖЖАТЛАР БАДАСТИР БУЛЛАСИ

Сурхондарё вилояти

«ТЕРМИЗ ДАРЁ ПОРТИ» МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА ЖАМОА ШАРТНОМАСИННИГ ЎТГАН ЙИЛДАГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН УМУМИЙ ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

ХОДИМЛАР манфаати йўлида

Кайд этиш жоиз, жамиятда 400 нафардан зиёд ҳодим учун барча қулийклар яратилган. Зарарли шароитда ишлаётганларга меҳнат қонунчилигига назарда тутилган имтиёз бўйича иш ҳакига қўшимча берилиши йўлга ўйилган. Ҳодимлар белуп маҳсус иш кийими ва ҳимоя воситалари билан таъминланади. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суругта қилиш қоидалари талабларига мувоғиқ, ҳодимлар ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса касалликларидан суругта қилинган.

Йил давомида ишчи-ходимлардан 36 нафари имтиёзи ўйлланмалар билан дам олиш масканларida хордик чиқарган бўлса, 15 нафардан зиёди саломатлигини тикилаб олиши учун турли шифононаларда даволанишган. Ҳодимлардан 12 нафарининг фарзандлари «Ваҳшивор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олдирилган.

Ҳар бир ҳодим жамият ҳисобидан белуп тиббий кўриқдан ўтказилганини эса инсон омилига эътиборнинг яна бир тасдиғи дейиш мумкин. Аёллар ва ёшлар меҳнатини тартиба солиши, улар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар, маданий-маърифий, согломлаштириш ва спорт ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Амала оширилган ишлар алоҳида таъкидланган йигилишида ҳодимлар ва касаба ўюшмаси фаоллари келгуси фаолият учун таклиф ва мулоҳазаларини билдириши.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»



Жамоа шартномаси – амалда

Ўтган йили Бухоро шаҳридаги «Шоҳруд» акциядорлик жамияти кўмагида боқувчишини йўқотган 20 та оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди. «Кексалар ҳафтаги» доирасида 100 нафар нуроний устознинг саёҳати ташкил этилди. Олот туманида 200 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасасини барпо этиш учун 100 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. 165 та ижтимоий кўмакка муҳтоҷ оиласига мадад қўллари чўзилди.



Ибрат

Наманган вилояти

Тўракўронлик тадбиркор Маъсудаҳон Содиқова Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси томонидан ўтказилган республика кўрик-тандовининг «Энг намунали аёл иш берувчи» номинацияси бўйича ғолибиликни кўлга кирилган.

МАЪСУДАҲОН аянинг шиҷоати

Етмиш ёшли онажоннинг шиҷоати кўпчиликка ўрнак бўлгалик. 105 ённи қаршилаган волидадидан дуо олиши кандо қимайдиган Маъсудаҳон аё тонг саҳарлаб ўз севган ишига, корхонаси, ишичилари ҳузурига ошиқади.

Тикувчилик цехини бор-йўғи ўн нафар ҳодим билан очган аянинг кўли остида ҳозирги кунда 800 нафар ишчи бор. «Дилрабо СДА текстиль» кўп тармоқи ишлаб чиқариш корхонасига «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган 35 нафар кам таъминлан-



ган хотин-қизлар ҳам ишга жойлаштирилган. Асосан пахта толасидан 200 турдаги трикотаж маҳсулотларини тайёрлаб, Россия ва Қозоғистонга экспорт қиливчи корхонанинг ойлик ишлаб чиқариш ҳажми 700 минг долларлик қўйматга эга. Маҳсулотларнинг сифати ҳамда ташки кўриниши эса ҳар қандай ҳаридорни қизиқтириши табии.

Фаол тадбиркор аёл, «Дўстлик» ордени соҳибаси Маъсудаҳон Содиқованинг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллада қаровсиз ётган бино қайта таъмирланниб, 300 ўринга мўлжалланган янги корхона ишга тушди. Натижада, ишлаш истагини билдирган, тикувчиликдан хабари бор хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Тадбиркор 8 гектар майдонда иссиқона барпо этган бўлиб, унга ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизлар жалб этилган. Нафақат Тўракўрон, балки Поп, Чуст, Наманган туманларидан ҳам келиб ишловчи хотин-қизларнинг узогини яқин қилиш учун корхонада автобуслар қатнови йўлга ўйилган. Корхона ишичиларининг барчasi маҳсус қитимлар билан таъминланган, иккаки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган, узоқдан ишга қатновчиларга ҳам шароитлар яратилган.

– Аёл ишли бўлса, рўзгорига барака киради, – дейди Маъсудаҳон аё. – Шу сабабдан ҳам ишлаб чиқариш фаолиятимизни янада кенгайтириш, туманимиздаги кўплаб ишсиз аёлларни иш билан банд килиш ҳаракатидаман.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба ўюшмаси Тўракўрон тумани кенгаши томонидан аъзоликка олинган ушбу корхонада ҳодимларининг меҳнат муҳофазаси, иш жараёнда уларга яратилаётган шарт-шароитларга ҳар томонлама эътибор қаратиб келинмоқда.

Орзугул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

«ШОҲРУД»ДА шароитлар кўнгилдагидекми?

Акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган жамоа шартномаси – амалда шароити ноқулай, зарарли иш жойларини баҳолаш ва иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиб дикжад мартказида бўлиб келмоқда.

Йифлишда келгисуда амалга оширилиши кутилаётган йирик лойиҳалар ҳакида ҳам тұхтатиб ўтилди. Хусусан, жорий йилда 10 га яқин янги лойиҳани ишлар тушириш орқали ташкилотда 300 дан ортик, янги иш ўрни яратилади. Ишчи-ходимларнинг спорт билан шүгулланиши учун спорту майдони курилиши лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Ҳалима РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон касаба ўюшмалари
Федерацияси Наманган вилояти
кенгаши бўлим мудири

Қайсики, ташкилот-корхонада ҳавфсиз ва қуай меҳнат шароити яратилса, ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир билим-тушунчалари бойитиб борилса, улар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашадилар. Натижада жамоада иш самарадорлиги ошади. Шу боис Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси аппаратининг Меҳнатни ҳимоя қилиш бўлими мутахассислари томонидан меҳнат муҳофазасининг айрим масалалари ўз ифодасини топган эслатма нашрдан чиқарилиб, ташкилотларга тақдим этилмоқда.

Меҳнат муҳофазасига оид муҳим қўлланма



Гиланган пенсия ёшига етганларнинг, ногиронларнинг, шунингдек, бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларининг дастлабки (иша кирагётганда) ва даври тарзда (меҳнат фаолиятни давомида) мажбурий тиббий кўриклини ташкил этиши шарт. Фуқарони соглиги ҳолатига кўра ўзига тўғри келмайдиган ишга қабул қилиш ва ходимни бошқа шундай ишга ўтказиш тақиқланади. Эслатмада Согликини сақлаш вазирилари томонидан беглиланган тартибда тиббий кўриклини ўтказишига тегишила схема ва жадвалар ҳам кетилирганди.

Иш берувчи ишлаб чиқариш жарайёда рўй берган баҳтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклинига далолатнома тузиш, баҳтсиз ҳодисаларни таъкидлаштириш, ҳодисаларни бартарапа этиши чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш учун жавобгар хисобланади. Соғлом меҳнат шароитлари яратилмагани ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларга ва ходимлар саломатлиги, меҳнат вазифаларини баҳриши билан бошқа хил зарарнишларга сабаб булиши мумкин. Эслатмада қандай баҳтсиз ҳодисалар текширилиши, ҳисобга олиниши ҳамда ушбу жараёнда амалга ошириладиган ишлар кўрсатиб берилган.

Умуман олганда, меҳнат муҳофазасига оид қонунчиликка белгилаб кўйилган муким жиҳатлар жадвал ва схемаларда акс этган бу эслатма нафақат раҳбарлар, балки ишловчилар учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилилади.

Салим
АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

Она өтөримизда фасиллар келинчаги бўлмиш баҳор кезмоқда.
Табиат уйғонмоқда. Бу фаслнинг энг қутлуғ қуни – Наврӯз!

Қадимий ва гўзал байрамимиз – Наврӯзи олам билан

Барча юртдошиларимизни
чин душидан қутлаймиз.

Наврӯзи олам ҳар бир хонадонга, жонажон
Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик,
соғлиқ-омонлиқ, баҳту саодат ҳамда файзу
барака олиб келсин!

Фурсатдан фойдаланиб, қутлуғ сана
муносабати билан мамлакатимиздаги
барча таълим ходимларини,
хусусан, қўшработлик устоз
ва мураббийларни самимий
табриклимиз!

Наврӯзи олам баргамизга, бўтун ҳалқимизга
қутлуғ ва муборак бўлсин!

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИMLARI КАСАБА УЮШМАСИ
ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Наврӯз келибон...

Наврӯз келибон, жумла жаҳон нозланажакдир,
Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажакдир.

Яшинар табиат, дашту адир лола ичинди,
Юртим – чаманим ўзгача пардозланажакдир.

Иromoқ куладир, елга ўпич берса бинафиша,
Майса күёш тафтида танъозланажакдир.

Бир лаҳза эшик қумрию булбулни навосин,
Шўх-шўх тарашиб, ялла шаҳнозланажакдир.

Қайнар сумалак, варрак учар, тўю томоша,
Диллар қувониб, соз ила парвозланажакдир.

Жавлон уришар давра тузиб неча йигитлар,
Қизлар безаниб, ҳусн ила мумтозланажакдир.

Дунёда одам қадри баланд, севса Ватанини,
Юрт ичра яна ҳурмату эъзоzlанажакдир.

“O’zsanoatqurilishbank” ATB jamoasi
O’zbekiston ahlini Navro’zi olam bilan
muborakbod etadi!

Bahor nafasi, bayram shukuhi
yil davomida hamrohingiz bo’lsin!

NAVRO’Z AYYOMINGIZ
MUBORAK BO’LSIN!

Xizmatlar litsenziyalangan

“Микрокредитбанк” акциядорлик
тижорат банки жамоаси мижозларини,
ҳамкорларини, бутун юртдошиларимизни
янгиланиш ва яшариш айёми –
Наврӯз байрами билан муборакбод этади!

Ўзбекистон аҳлига сиҳат-саломатлик,
хонадонларига кут-барака,
ишларига муваффақият тилайди!

Наврӯз
муборак!

“Микрокредитбанк” байрам муносабати
 билан Сизларга янги
“Универсал” омонат турини
таклиф қилади.

“МКВ МОБИЛ”
МОБИЛ ИЛОВА
ОРҚАЛИ
ЙИЛЛИК
22%

UNIVERSAL
ОМОНАТИ
24
ОЙ
МУДДАТГА

НАҚД ПУЛ
ОРҚАЛИ
ЙИЛЛИК

21%

MIKROKREDITBANK
Хизматлар лицензияланган.

Азиз ва муҳттарам юртдошилар,
дуогүй отаҳонлар, фариштали
онажонлар, задардаст ака-ука,
мехридарё опа-сингиллар!

Наврӯз байрамингиз
муборак бўлсин!

Уйбу улуг кунлар хонадонингизга
файз, беҳисоб шодлик, умрингизга
барака киритсин, мукаддас
Ватанимиз равнақи ўйладаги
ишларингизга ривож дерсин!

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИMLARI КАСАБА УЮШМАСИ
НАВОЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ «САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кун тартиби:

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

2. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилиши саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

3. Банк устав капиталини ошириш учун эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида.

4. Банкнинг янги таҳрирдаги устанини тасдиқлаш тўғрисида.

5. Банк Кузатув Кенгашининг янги

таркибини сайлаш тўғрисида.

6. Банк Тағтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.

Йигилиш 2022 йил 15 апрель куни соат 12:00 да Тошкент шаҳри, С.Барака кўчаси, 78-йдага ўтказилади.

Умумий йигилишида қатнашиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2022 йил 11 апрель куни холатига тузилади.

Йигилиш қатнашчилари 2022 йил 15 апрель куни соат 11:00 дан 11:45 гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар Умумий йигилишга

доир материаллар билан Тошкент шаҳри С.Барака кўчаси, 78-йдага жойлашган «Савдогарбанк»нинг Баш официда танишишлари мумкин. Электрон почта манзили: info.savdogarbank@uz, веб сайт: www.savdogarbank.uz.

Акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йигилишида шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан келишлари сўralади.

Маълумот учун телефонлар:
71-254-18-65, 71-215-50-29

БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ



Наврӯз – янгиланиш ва яшариш байрами билан барча юртдошлиаримизни, шу жумладан, кўпминг сопли касаба уюшма аъзоларини самимий муборақбод этамиш!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИННИГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Абдулла ОРИПОВ

НАВРӔЗ

Аввал юрагингга муралайди у, Сўнгра куртакларга ўргатади сўз. Заминнинг кўзидан қочади уйку, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврӯз!

Она бағри каби илиқдир олам, Ҳарир ҳөвур ичра яйрар дала-туз. Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврӯз!

Қишининг ахволига боқиб, ҳойнаҳоӣ, Юм-юм ёши тўймоқда эриётган муз. Жила қулаётур тенгисиз бир чирой, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврӯз!

Яна кўнгиллардан рутубат кетди, Яна шульалардан ҳамоимоқда кўз. Яна дилдорликнинг фурсати етди, Демак, Баҳор келди, Келмоқда Наврӯз!



«НАВОЙЙАЗОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИИ ЖАМОАСИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

барча юртдошлиаримизни яшарни ва янгиланиш айтамиш –

Наврӯзи олам билан самимий қутмайди!

Хонаёнлариниңга осойиништамик, қут-барака, тану жониниңга саломатмик, ўзаро тотубълик ҳамда чексиз меҳр-муҳаббат тилмайди.

Байраминиң қутмуг бўлсин!

Эркин ВОҲИДОВ

Наврӯз наимиаси

Юртим!

Илҳомимга сарчашма ўзинг, Бирдек азиз менга ёзинг ҳам кузинг. Бу кун баҳринга шеър айтимоқчиман, Ватаним, муборак бўлсин Наврӯзинг.

Яна олам бўлди яшил, серфусун, Яна қизғалдоқлар очилди гулгун. Бу ўйле кўклимиң ўзгача бутун, Ватаним, муборак бўлсин Наврӯзинг.

Каттиқ қишидан қиқдинг заҳ тортиб, ҳориб, Ердан чиққан каби бойчечак ёриб. Багриндан муз кетди Ҳамалга бориб, Ватаним, муборак бўлсин Наврӯзинг.

Қир яшил, боғ яшил, бўстондор яшил, Баҳорий либосда жаҳондор яшил, Эрк яшил, истиқол, имондор яшил, Ватаним, муборак бўлсин Наврӯзинг.

Бугун далаларга қадалган урӯғ Инишооллоҳ, ризқу барақот тўлуғт, Эй, умид ўйкаси, эртаси улуг – Ватаним, муборак бўлсин Наврӯзинг.



Исмалот

Хўш, нега бу кўқатнинг номи – исмалот?

«Исмалот» инглиз тилида «spinach», французча: «épinard» (талафузи: эпинач), русчада «шпинат» дейилади. Французча «Le petit Robert» изоҳли лугатида ёзилишича, «épinard» эски француз тилида (XIII аср): «espinarde», «espinache», «espinoch» шаклларида ёзилган. «The English etymological dictionary»га кўра, инглизча «spinach» айнан ўша эски французча «espinaсhe»га, «espinache»га эса каталанча «espinaс»га (талафузи: «эспинак», испанча: «espinaca»), «espinac» – Андалусия араблари тилидаги «isbinâkh»га, «isbinâkh» эса, ўз навбатида, форсча «исфанож»га бориб тақалади.

Маълумотларга кўра, XI асрда бу кўкат тури Андалусияга араблар томонидан олиб келинган ва XII асрда яшаган андалусияни олим Ибн ал-Авом томонидан у «сабзавотларнинг сардори» («раис ул-буқул») деб таътифланган экан. Араблар уни «ал-исфанаҳ» ёки «ас-сабаниҳ» деб атаган. Аммо араб тилида тўрт ҳарофли феъллар йўқ, тўрт ва ундан кўп ҳарофли сўзлар араб тилига бошқа тилилардан ўзлашган ҳисобланади. «Ас-сабаниҳ» ҳам тўрт ҳарофли бўлиб, бу ҳам унинг арабча эмас, бошқа тилидан ўзлашганини тасдиқлайди. Французча «Larousse» лугатида исмалотнинг асл келиб чиқиши Марказий Осиё экани, бу ўсимлик дастлаб Эрон ва унга кўшни худудларда маданий-

лаштирилгани айтildи.

Россияга эса бу кўкат анча кеч – XVII асрда кириб келади. Дастлаб у рус зодагонлари дастурхонаси Олмониядан келган тансик таом сифатида пайдо бўлиб, номи ҳам олмонча – «шпинат» (*spinat*) дейилади. «Этимологический словарь русского языка» лугати муаллифи М.Фасмер фикрига кўра, олмонча «spinat» ўз навбатида ўрта летин тилидаги «spinaceus» сўзидан келиб чиқсан. М.Фасмер ва бошча бъязи тилшунослар летинча «spinaсeus»нинг форсча «исфанож»дан ўзлашганига бироз шубҳа билан қарди. Исмалотнинг Европадаги номлари форсча эмас, балки летинча «spina» (умуртқа поғонаси, орқа) ўзагига бориб тақалади, деган қараш ҳам мавжуд (летинча илмий номинаниши: «spinacia oleracea»). Аммо кўпчилик мутахассислар ўрта летин тилига ҳам бу сўз форсчадан ўтган, фақат Испания орқали эмас, X асрда ўтга Енгенизи худуди ҳалқлари, хусусан, араблар (сарасинлар) ва европаликлар ўртасидаги муносабатларда ўрта летин тилига ўзлашган деб ҳисоблайди.

Ҳозирги тоҷик тилида исмалот – «испанок», испаноғ, испаноҷ» шаклларида ёзилади ва талффуз қилинади (Руско-таджикский словарь. Москва.1985.1221-бет). Тоҷикистонлик тадқиқотчи Г.Мирсаминова форсча «исфанож»нинг архаик кўриниши «исфаноқ» бўлган бўлиши мумкин, деб ёзди. Аммо эски форс



Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида «исмалоқ» сўзи учрамайди, аммо бир ўринда «девон»да: «бустули – Рум исмалоғи, буни ейилади», деб изоҳланган. Демак, қадимги турк тилларида исмалотнинг бир турига нисбатан «бустули» дейилган.

Тил сандиги

тилида «қ» товуши бўлмагани, «қ» то-вушли сўзлар форс тилига араб ё түрк тилларидан ўзлашган сўзлар бўлгани учун бу фикрни кўллаб бўлмайди.

Эҳтимол, бу сўзининг архаик кўринишида «исфаноқ» даги «қ» ўрнида «-қ», «-ғ», «-х» товушларига яки то-вуш бўлгандир. Исмалоқнинг форсча шаклига санскритча шу маънодаги «палаак»нинг алоқаси бор-йўқлиги ҳақида маълумот йўқ.

Афсуски, «исмалоқ» сўзи Навоий асарларида ёки «Бобурнома»да учрамайди. Энг кўхна турк тилини луғатларидан бири бўлмиш «Кодекс Куманикус»да «исмалоқ» – «ісралоқ» шаклида қайд этилган. Шу ўринда куманлар ҳақида иккى оғиз сўз: маълумки, куманлар деб ўрта асрларда европаликлар томонидан Крим ярим оролида яшаган қипчоқлар, умуман, туркий қавмлар, бугунги Крим татарлари аждодларига нисбатан этилган. «Кодекс Куманикус», яъни «Куман тили луғати» XIV асрда куманларнинг тилини ўрганиш максадида итальян ва олмон миссонерларидан томонидан тузилган. Куман тилидаги «ісралоқ» усмонли туркчадаги «ісралоқ» ва кўпгина болқон ҳалқлари тилларидаги номлар билан муштарақ (булғорча: «spanak»; серб: «spanan»; албан: «spinaq» ва ҳ.)

Алқисса, ушбу сўз қайси тилда илк бор пайдо бўлганидан қатъи назар, юқорида кўрганимиздек, этимологик жиҳатдан бир манбага бориб тақалади. Бизнинг ота-боболаримиз бу кўкатни «исмалоқ» деб билади, тилимизга бу ном шаклда ўрнашган. Французча лугатда ҳам қайд этилгандик, бу кўкатнинг ҳам ватани Марказий Осиё, демакки, унинг илк номи ҳам шу худудларда пайдо бўлган бўйса, ажаб эмас.

Абдувоҳид ҲАЙИТ, филология фанлари номзоди



ISSN 2010-5002
2022 йил 11 января
Ўзбекистон
Матбуот ва аҳборот агентлигига
116-рол билин рўйхатга олинган

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улубек ЖАЛИМЕНОВ,
Анвар АБДУМОХУТОРОВ,
Сайфуло АХМЕДОВ,
Акмал САЙДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидула ПИРИМҖУЛОВ,
Нодира ГОЙИБНАЗОРОВА,
Анвар КУЛМУРОДОВ
(бои мухарригининг биринчи ўринбосари),
Мехридин ШУКУРОВ
(Масъул комити – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош мухаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўйлумлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-мәънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухабирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгиги английлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, ҳабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Худудлардаги мухбирлар:
Коракалполистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андикон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Букро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззак вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондэр вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтасидан назаридан фарқланиши мумкин.

Навбати мухаррирлар:
А. Ҳайдаров,
Ж. Наханов

Муасиҳиҳлар:
Д. Ҳудойберганова,
У. Ҳудойберганова

Саҳифалови:
Ҳ. Абдувалилов

Босиша топшириши вақти – 23:05
Топшириди – 23:40

Газета оғсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 4 босма табоқ.
Буюрта V- 5076
34419 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-й.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета хафтанинг сесанаш, пайланба ва шанба кунлари иккади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Ozbekiston» нашириёт-матбаса ижодий уй босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-й.

Таҳририят хисобраками:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00595,
СТИР: 20113889,
ОКЭД: 58130